

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№94 — 95

(2514 — 2515)

1992 йил

14 ОКТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

НАРХИ 4 СЎМ



Мустақил давлатимиз пойтахти — Тошкентда, бир неча кундири, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI кинофестивали давом этмоқда. Бу йирик санъат анжуманида қирқдан зиёд давлатларда ижод қилаётган кино усталарининг вакиллари иштирок этмоқдалар. Халқаро аҳамиятга молик бўлган ҳамда орзиқиб қутилган бу тадбирнинг ҳомийси маданият ва умуминсоний кадрлар халқ Академиясидир.

Ҳар кун серкуёш Тошкентимизнинг,

Самарқанддек шаҳри азимнинг диққатга сазовор жойларини азиз меҳмонлар томоша қилмоқдалар, кино санъати ишқибозлари билан учрашувлар ўтказмоқдалар. Айни пайтда бошқа минтақаларда яшаб, ижод қилаётган ҳамкасблари билан тажриба алмашмоқдалар.

Ҳуқуқ-тартибот посбонлари эса ҳар доимгидек кинофестивал кунлари осойишталиқни таъминлаш билан машғулдилар.



СУРАТДА: машҳур ҳинд кинорежиссёри ва актёри Раж Капурнинг ўғли Рандхир Капур Ўзбекистондаги мухлисларига эсдалик учун дастхат ёзиб бермоқда.

Сураткаш Ҳ. ШОДИЕВ.

КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

Камчиликсиз бўлиши лозим

Агар рўзнамаларда ёритиб аниқ, Бу яхши, албатта. Чунки борилаётган турли фикр ва ушбу қомус ҳар қандай тақлифлар бир жойга камчиликлардан ҳоли бўлиши тупланадиган бўлса, керак.

Конституциямиз лойиҳасига бир “Азага борган ўз дардини айтиб йиғлар”, деганларидек,

мен ҳам ички ишларга тегишли бўлган қисмларни лойиҳадан қидиришга тушдим. Аммо бефойда. Суд, прокуратура ҳақида алоҳида-алоҳида боблар ажратилгани ҳолда ички ишлар ҳақида битта ҳам модда йўқ. Албатта айрим “мумкин”ларни (119-модда, иккинчи сўзбоши) эътиборга олмайдиган бўлсак. Бу

Конституциямиздаги сезиларли камчилик. Агар лойиҳа шу ҳолича тасдиқдан ўтадиган бўлса, аминманки, орадан кўп вақт ўтмай яна қайтадан ўзгаришлар киритишга мажбур бўламиз.

Ж. СОДИҚОВ,
Олтинсой райони ИИБ бошлиғи,
милиция подполковниги.

ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКНИ

Матбуотнинг оммалашувида қўйиладиган биринчи талаб — тезкорлик. Қердаки бирор янгилик юз берса, ички ишлар идоралари учун аҳамиятли анжуман бўлиб ўтса ёки милиция ходимлари жиноятчи-гуруҳларга кескин зарба беришса, зудлик билан ёритишга интиламиз. Шу бонсдан тахририят ходимлари ҳамда жамоатчи мухбирлар, халқ таъбири билан айтганда, қулоқни динг қилиб, оёқни қўлга олиб югуришгани югуришган.

Аммо тезкорлиқни бой бермаган ҳолда ички ишларнинг

тажрибали ходимлари, қолаверса, осойишталиқни муҳофаза этишга бефарқ бўлмаган кишилар юрагига қўл солиш ҳам ғоят фойдали. Инсоннинг ички дунёсини авайлаб титкиласангиз, шунақа нарсалар топишингиз мумкинки, бу топилмалар ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда албатта асқотади, дейиш мумкин.

“Дилдан суҳбат” руқини очишга бизни ҳусусан ана шу фикр ундади.

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛДИ, ЛЕКИН СИНМАДИ

ДИЛДАН СУҲБАТ

Яқинда Фарғона вилоятида хизмат сафарида бўлдим. Ит-тифоқо Фарғона райони ИИБ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш гуруҳи катта оператив вакили, милиция капитани Мухаммаджон Йўлдошев билан учрашиб қолдим.

Узаро суҳбат жараёнида англадимки, районда халқ мулкани талон-торож қилувчилар пайини қирққиш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилаётган экан. Шуларни матбуотда ёритиш истаги пайдо бўлганлигини айтдим.

Мухаммаджон ака: “Бундан бир неча йил муқаддам республикамиздаги нуфузли газеталарнинг бирида “уриб” чиқилган эдим. Иккинчи мартасида мақтаб ёзаркансизларда”, — деб қўлди.

Қўйидаги суҳбатга ана шу илмоқли гап сабаб бўлди.

— Хўп, кўндирдингиз, сизга 1984 йилда бошдан кечирганларимни ундан кейин содир этилган воқеаларни айтиб бераман. Фақат битта шарт билан. Бу ишга алоқадор ки-шиларнинг насл-насабини газетада мутлақо кўрсатмайсиз. Чунки сувлар оқиб кетган. Яна қайтадан уларни кўпчилик орасида мулзам қилишга ҳолат йўқ.

— Майли, келишдик.

— Ушанда мен вилоят ички ишлар бошқармаси БХСС бўлимида муҳим ишлар бўйича бўлима бошлиғи лавозимида ишлар, унвоним милиция катта лейтенанти эди. Асосан йирик порахўрлар билан шуғулланардим. Шунақа бошдан кечирганманки, гапириб берсам, китобга ҳам сигдирилмайсиз, деб қўрқаман (кулади).

— Китоб ҳақида кейинроқ ўйлаб кўрармиз, ҳозир эса мени газетада танқид қилинишингиз билан боғлиқ воқеалар қизиқтирапти асосан.

бебурд бўлиб қолиш ҳеч гапмаски, асти қўяверасиз.

Нихоят, шундай сигнал тушди ҳам. Бўлим бошлиғи, милиция майори Мубин Мусаев, опервакил, милиция катта лейтенанти Хусанбой Шу-куровлар билан ҳамкорликда пухта тайёргарлик кўрдик ва ишга киришдик. Яратганга шукр, панд емадик. Аваз Тўрабеков шу корхонада ишловчи Абдужаббор исмли ҳайдовчига двигател бераётиб, 500 сўм “совга” олаётганда тузоққа тушди. Биласиз, ўша пайтларда 500 сўмнинг қуввати қанчалик юқори бўлганини! Ҳозир эса кимлар учундир писта пўчоғи каби қадрсиз.

Дарҳол воқеанинг бутун тафсилоти ҳужжатлаштирилди ва Тўрабековга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Аммо эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинмади, тилхат билан очикда қолдирилди. Энди мушоҳада қилиб кўрсам, энг катта хато шу бўлса керак, деган хулоса чиқяпти.

Кейинчалик сездимки, Тўрабековни безовта қилиш жараёнида “катта илоннинг ду-мини” босиб олган эканмиз. Яли-нишлар, тазийқлар, аврашлар — ҳаммасини бир-бир кўрдик. Қўлга

олиш тадбирининг бошида турганим учун асосан мени безовта қилишарди. На уйда, на ишхонада оромим йўқолди. Уч-тўрт марта Тўрабековнинг ўзи тахсан учрашиб, яхшигина “совга” эвазига ишни босди-босди қилишимни сўради. “Бу ёғига қўлимдан ҳеч нарса келмайди, қолгани терговга боғлиқ”, — дейишимга ҳам қарамай: “Сиз аралашмасангиз бўлди, терговчиларни ўзим рози қиламан”, — дейди.

— Ҳар ким дунёни ўз қаричи билан ўлчаيدди, легадари шуда.

— Яшанг, жуда тўғри луқма ташладингиз. Текин даромад топишга муккасидан кетганлар ўз рақибини ҳам шундай ҳисоблайдилар. Кўряпсизми, улар билан яшаш тарзимизда ҳам, фикрлашимизда ҳам катта тафовут бор.

Қолаверса, унинг таклифидан кейин қаттиқ ўйланиб қолдим. Чунки у менсиз ҳам ишини би-тириб кетиши мумкин эди. Унда манча кунлик меҳнатимиз бекор кетиб, эшитган-билганлар орасида маломатга қолишимиз турган гап. Нимадир қилиш керак?

(Давоми 2-бетда).

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

ПАДАРКУШ

ТОШКЕНТ шаҳрининг Собир Раҳимов районидаги Қорақамиш даҳасида яшовчи, Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи буюқчиси Б. Қ. ўртада чиққан низога зўрлик билан чек қўймоқчи бўлди. Унинг устма-уст ту-ширган муштлари зарбидан 1936 йилда туғилган отаси оғир жароҳатланиб, ҳалок бўлди.

Падаркуш ҳибсга олинди.

ҲАМ БОСҚИНЧИ, ҲАМ ҚОТИЛ
БУХОРО шаҳрининг П. Неруда кўчасида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган И. Б. 23-хонадонда яшовчи, енгил саноат техникуми ўқитувчиси Н. Х. уйига бостириб кириб, унинг ҳаётига зомин бўлди.

Қотил ушланди. Жиноят сабаблари аниқланмоқда.

МАШИНАНИ ОЛИБ ҚОЧИШДИ

НАМАНГАН шаҳрининг Свердлов кўчасида номаълум шахслар нафақахўр Р. А. га қарашли “ВАЗ-2105” белгили Л 72-72 НА рақамли автомашинани дўқ-пўпса билан олиб қочишган.

Жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш чоралари кўриляпти.

129 МИНГ СЎМЛИК ПОРТФЕЛ

ТБИЛИСИДАГИ “Орби-91” тижорат фирмаси раҳбари муовини А. Б. нинг Кўконга қилган сафари кўнгилсиз тугади. Гап шундаки, у “Тошкент-Андижон” поездида 129 минг сўм пул ва ҳужжатлари бўлган портфелини ўғирлатиб қўйди.

ГРАНАТА... ҲОВЛИДА

ЖАРҚЎРҒОН райони ИИБ ходимлари “Ғалабанинг 40йиллиги” кўчасидаги 28-уйнинг ҳовлисидан жанговор граната топиб олишди. Хонадон соҳиби Ю. Д. бу жанговор гранатани қачон, қимдан олганини айтиб берадиган бўлди.

СУИҚАСД

БАЛИҚЧИ районидаги Нас-риддинбод қишлоғида яшовчи, 1966 йилда туғилган М. Н. ўз жонига қасд қилди. Устидан керосин қуйиб ёқиб юборди. Уни оғир аҳволда касалхонага етказишди.

Суиқасд сабаблари аниқланмоқда.

КЎРИЛГАН ЗАРАР —

70.000 СЎМЛИК

НАМАНГАН вилоятининг Сайрам қишлоғидаги I-аралаш моллар дўқони омбори енгин натижасида куйиб кул бўлди. Кўрилган зарар 70 минг сўмни ташкил қилди.

БОСҚИНЧИЛАР

КИДИРИЛМОҚДА

БУХОРО вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамшираси З. П. нинг хонадонига тунда икки номаълум шахс бостириб кириб, газ балонидан фойдаланиб, уни қўл-оёқларини боғлаб, уйдаги 33 минг 820 сўмлик буюмларини ўғирлаб кетишган. Босқинчиларни ушлаш чоралари кўриляпти.

ҚОРОВУЛ СУИҚАСД ҚИЛДИ

ШАҲРИСАБЗ районидаги “Наврўз” давлат хўжалигида яшовчи, шу давлат хўжалигида қоровул бўлиб ишловчи, 1957 йилда туғилган Т. Р. уйда ўзини осиб қўйди. Суиқасд сабаблари ўрганилмоқда.

ТУНУКА ЎҒРИЛАРИ

УШЛАНДИ

ФАРҒОНА шаҳар Қирғули районидаги “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмаси худудидан 2 тонна тунука ўғирлаганлар аниқланиб, ҳибсга олинди.

Улар Фарғона кўчасида яшовчи, 15-автокорхона ҳайдовчиси А. Р. ва шу кўчада истиқомат қилувчи, мазкур бирлашма ҳайдовчиси С.О. бўлиб чиқди.

Т.МУРОДОВ.

Сиз кутган, кутмаган хабарлар

ТОШКЕНТ

МОДА КЕТИДАН
ҚУВАЁТГАНДА

ТОШКЕНТ "Отчопар"ида ҳеч бўлганмисиз? Мабодо бормаган бўлсангиз би-либ қўйинг, анқонинг уругидан тортиб тошбақанинг сутигага худди ўша ердан топилади. Дам олиш кунлари эрта саҳардан бошланадиган бу бозорда охирига вақтда "саргузаштлар" тез-тез бўлиб турибди.

М. Алимшайхова эркакларнинг чарм куртқасини сотаётганди. Навбатдаги харидор ундан куртқани кийиб кўриш учун рухсат сўради. Кўнгли бўш сотувчи рухсат бердию бошини чангаллаб қолди. Чунки харидор пулни тўлаш ўрнига юргунича ўзини одамлар

орасига урди.

Участка вакили Бойматовнинг уддабуронлиги туфайли "қочок" харидор ушланди ва унинг ёлғиз эмаслиги аниқланди. Эндигина 16-17 ешга кираётган уч йигитча кўлга олинган, тергов давом этмоқда.

Моданинг кетидан қуваётган бир пайтда уст-бошнинг пулини тўлаб қўйишни ҳам унутмаслик даркор-да.

Ўз мухбиримиз.

НАБИРАЛАРИНИ ЕТИМ
ҚИЛДИ

ФАРЗАНД кўрганда қувонмаган одам бўлмаса керак. Тошкент вилоятининг Янгибод шаҳрилик В. Романов ҳаётида ҳам бундай ширин дамлар юз берган. Ўғли туғилган пайтда у ҳам севинганидан ўзини кўярга жой тополмай қолган. Тўғирогои, бу узок ўтмишда бўлганди.

Яқинда эса...

ФАРҒОНА

САМАРАСИ КАТТА
БЎЛДИ

КЕЙИНГИ пайтларда Қирғули районида оператив ҳолат бирмунча оғирлашиб қолган, жиноятчилик кўпаймоқда эди. Бунинг олдини олиш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ташаббуси билан кенг қамровли "Комплекс" тадбири ўтказилди. Унга вилоят ҳудудидаги ички ишлар бўлимлари вакиллари ва бошқарма ходимларидан 200 киши жалб этилди.

Тадбир давомида 180 нафар тартиббузар ушланди, 1987 та йўл ҳаракати қондасини бузганлар тўхтатилди ва улардан 30 минг сўм жарима ундириб олинди. 100 дан ортиқ машинанинг техник кўрикдан ўтказилмаганлиги аниқланди. Кўплаб ичиб, транспорт рулини бошқараётган ҳайдовчиларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Ёнғиндан сақлаш бўлимидаги ходимлари ҳам тадбир давомида олиб-югуриб ишлашди. Хусусан, 110 та ташкилот ва корхона, 138 та хонадон текширувдан ўтказилди. Ёнғин хавфсизлигига амал қилмаган 58 кишидан 2700 сўм жарима ундириб олинди.

Вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ходимлари томонидан ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, 195 нафар ўспирин тартибни бузгани учун огоҳлантирилди. 300 нафардан ортиқроқ ёшлар билан суҳбатлар ўтказилди.

Паспорт тартибни бузган 139 нафар оддий фуқаро ва икки нафар мансабдор шахсанисбатан чора кўрилди. Олти хонадонда эса ҳеч ким яшамаётгани аниқланди.

Шунингдек, тадбир давомида битта қотиллик, фош этилди.

Тадбир мобайнида яна кўплаб жиноятлар очиб ташланди, қанчалаб қонунбузарликнинг олди олинди. Шунингдек, ўтиш жойи, бундай тадбирларни ўтказиб туриш жуда ҳам зарурлигини тажрибанинг ўзи кўрсатмоқда. Бу борадаги ҳамкорлик текинхўрлар, жиноий гуруҳларни туттишда, тартиббузарликларнинг олдини олишда жуда қўл келмоқда.

А. ГАНИЕВ,
милиция майори

ҲУҚУҚИЙ
БИЛИМЛАР КЕРАК

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ИИБ ҳайъатининг 1992 йил 27 майдаги қарорига асосан, ўспирин ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ҳамда ҳуқуқ-тартибот ишлари савиясини кўтариш юзасидан Фарғона вилояти ИИБ халқ таълими бошқармаси, ёшлар уюмлари билан ҳамкорликда жойларда бир қанча профилактик тадбирларни амалга оширди. Чунинчи, 10 сентябрда Фарғона дорилфунунининг талабалари ўртасида ана шундай тадбир ўтказилди. Унда дорилфунун проректори Турғунбой Эгамбердиева, касаба кўмитаси раиси Одилов Обидов, ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими ходими Алижон Ганиев, адлия маслаҳатчиси Исроил Рўзमतов, вилоят прокурорининг ёрдамчиси Исоқжон Ёўралиевлар қатнашди. Ҳуқуқ-тартибот хизматчилари ўз маърузаларида асосий эътиборни ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятларга қаратдилар. Талабаларга нафақат касб ўргатиб қолмай, ҳуқуқий билимларини ошириш зарурлигини ҳам таъкидлашди. Сўнг савол-жавоб навбати келди. Ўқувчилар томонидан берилган саволлар бу каби тадбирларни ўтказиш фойдадан ҳоли эмаслигидан далолат бермоқда.

Ўйлаيمизки, ҳар бир талаба бундан кўп нарсани ўрганиши ва келгусида жиноятчиликни камайтиришига ўз улушини қўшади.

ҒАЛИЖОНОВ.



СУРАТЛИ ХАБАР

ХОҲ КҮНДУЗИ бўлсин, хоҳ кечаси — "02" рақамини териб милицияга кўнғироқ қилсангиз: "Ички ишлар бўлими оператив навбатчиси... эшитади!" деган лўнда жавоб жаранглайди телефон дастасидан.

Бундоқ ўйлаб қарасангиз, уззукун мижа қоқмай ўтириш, бирор воқеа

"Хурмача"сига керагидан ҳам ортиқроқ куйиб олган ота, мастликда ўз ўғлига пичок санчиб, набираларини етим қилиб қўйди.

С. СУЛАЙМОНОВ.

ЮЛИБ ҚОЧДИ

КЕЧ СОАТ 19лар "атрофида" "Тошкент" автобекатида одам анча сийраклашган. Бир маҳал аёл кишининг қаттиқ чинқирғи эшитилди. У овози борича: "Ушланглар!" — деб бақирарди.

Участка вакили Р. Абдурахмонов худди шу овозни кутиб тургандек дарров қочиб кетаётган йигитнинг изига тушди. Қочок қанчалик тез югурмасин, барибир кутулолмади.

Чимкентлик Т. Одибекованинг кулоқларидан тилла зирагини юлиб олган йигитча 1972 йилда туғилган, Тошкентда яшовчи Р. М. экан.

Ф. СОБИРОВ.

АНДИЖОН

ЧОКИ СЎКИЛМАГАН
ҒОЯ

ЎША КУНИ Давронбек Толипов "Иж-Юпитер" белгили давлат рақамсиз мотоциклини миниб, "Савай" давлат хўжалиги 3-бўлими марказига борди. У ерда дўстлари Ўткир Отабеков билан Турсунбой Азизовларни кўриб қолди. Сўз-сўзга, гап-гапга қовушди. Давронбек мотоцикли учун айрим эҳтиёт қисмлар кераклиги ҳақида гап очган эди ҳамки, Араббой Эргашев "Иж-Юпитер" мотоциклини миниб ўтиб кетди.

— Қара, сеникидан экан, — деди Турсунбой Давронбекка. — Демак, сенга керакли нарсалар унда бор.

Дўст тилини дўст яхши тушунади. Турсунбой нима демоқчи эканлигини Давронбек ҳам, Ўткир ҳам англадилар. Энди чоки сўкилмаган гоёни "ювиш" керак эди. Улар уч литр пиво сотиб олиб, роса отамлашди.

Тунги соат 23 ларда эса Ўткир билан Турсунбой Араббойнинг ҳовлисини ҳамда мотоцикли турган жойини Давронга кўрсатиб бердилар. Ўзлари эса кўчада "қоровулик" бурчларини адо этдилар. Бир оздан сўнг Даврон мотоциклини итариб кўчага чиқди. Хамирдан қил суғургандек осон кечган ўғирлик уни қувонтирмай қўймасди. Бироқ, бу қувонч узокқа чўзилмади. Эртаси куни эрталаб Қўрғонтепа райони ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимидаги ходимлари Давронни ҳам, хашаклар остига яшириб қўйилган мотоциклини ҳам олиб кетдилар.

Ҳабибулло ЖАКБАРОВ,
Хусанбой САМИНЖОНОВ.

РЕКОРДЧИ
БЎЛОЛМАГАН БОЛА

РОССИЯЛИК Чикатилонинг ўн икки йил давомида содир этган жиноятларини рекордлар китобига ёза олган. Чунки, шунча вақт мобайнида ҳеч ким унчалик кўп одам ўлдирмаган. Бироқ, пахтабодлик Машраб Х. ҳам ундан қолишмайди.

Машраб эндигина ўн беш ёшга тўлган бўлишига қарамай бир ой мобайнида ўн битта жиноятга қўл урган. Тўғри, у Чикатилонинг сингари гуноҳларнинг энг оғир тури — одам ўлдириш билан шуғулланмади. Ахир, у ўғирлик билан рекорд қўйишни истаган эди-да. Бироқ, мақсадига эриша олмади. Қолаверса, бундай ниятнинг натижаси яхшилик билан тугамаслигини Чикатилонинг тақдир ибботлаб берди. Агар шундай бўлмаганда Машрабнинг Чикатилонинг ёшига етгунча қанча жиноят содир этиши мумкинлигини биласизми? Эҳ-ҳе...

Энди Машраб рекордчи бўла олмаса керак. Чунки, унинг танобини тортиб қўйишган.

Саминжон ХУСАНЗОДА,
Андижон вилояти.

ҚАШҚАДАРЁ

ВАҲИМАГА ЎРИН ЙЎҚ

ЧИЯЛИ бозорида чумоли инини гор билган, шайтонни маймундек етакка олган устумон фирибгару ўғри ҳам қинғир ишга қўл урولмаган. Бу ерда бировнинг қилига тегишишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи энг оғир гуноҳ.

Яқинда "Чияли бозорида ўғрилик бўлибди", деган миш-миш тарқалди. Ваҳимани қопдай кўтариб, бирга ўрни кўшувчиларга бормиз-да! Маълум бўлишича, талончи фуқаро Б. Алиевнинг 800 сўм пули тортиб олинган жой Чияли бозори эмас, балки бозорга яқин бўлган худуд экан. Талончиликка қўл урган кимса эса Чироқчи районидаги 247-хўжаликлараро механизациялашган қўшма колонна ишчиси Абдусаттор Бўтаев бўлиб чиқди.

Шу пайтгача етти иқлимга донғи кетган Чияли бозорида бирорта ҳам ўғирлик ва шунга ўхшаш имонсизликлар бўлмаган ва аминмизки, бундан кейин ҳам бўлмайд.

МАҲБУС КҮНҒИРОҚ
ҚИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ЖМнинг 129-моддаси 3-қисми билан 3 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум қилинган Юрий Шишкин ҳибсхона дарвозасига "қуёнинг расмини чизганди".

Орадан бир оз вақтни ўтказиб, инсоф дудулига минган Юра қўққисдан ҳибсхона бошлиғига кўнғироқ қилиб, ўзини олиб кетишларини сўради. У отасиникида — Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ районида яшаётганлигини билдирди. Қидирув бекор қилинди.

ТИЙИНЛИ ЗАМОН ЎТДИ

УЛАР ХУДДИ шундай деб ўйлашади. Эндиликда харидор ҳақидан сўмлаб, сўмлаб бўлганда ҳам бир неча ўн сўмлаб уриб қолиш пайида бизнинг ҳушмуомала бўлиши керак бўлган сотувчиларимизнинг

баъзилари. Қарши шаҳридаги "Гунган" дўкони сотувчиси Тоҳир Омонов харидор Ч. Шариповга 20 шиша "Жигули" пивосини сотатириб, унинг 120 сўм пулини шилиб олмоқчи бўлди, тўғирогои шилиб олди. Фақат насиб этмади унга.

Косон райони матлубот жамиятига қарашли 1-дўкон сотувчиси Ғайрат Абдуназаров 2 килограмм новотни мижозга 57 сўм ортиқча нарх билан пуллаётганда билагидан ушланди.

Имонни йўқотиш ва шунинг орқасидан пул топиш ва рўзгор тебратиш ақли одамнинг иши эмасда, биродарлар!

"АРЗИМАС ЮК"

Р. РЎЗИЕВ ва Р. Ашуровлар кўрсатишни истасанга "арзимас юклар" — 4 минг 100 килограмм арпа, 5 минг 800 килограмм бурдой, 220 метр шланг, 600 метр тросс. Бу матоҳлар юқоридаги биродарларимиз бошқарувидаги "КАМАЗ"га юкланиб, Туркменистон тарафга олиб кетилаётган экан. Умумий қиймат — 104 минг 183 сўм. Ҳаммаси давлат ҳисобига мусодара қилинди. Рўзиев ва Ашуровлар 200 сўмдан — 400 сўмга "тупишди".

ҲОДИСА

ҚАРШИ — Шайхали катта йўлида Э. Хидирназаров бошқариб келаётган "Газ-52" белгили автомашина Э. Хўжаев бошқарувидаги А. Эломоновга тегишли "Москвич" билан қаттиқ тўқнашиб кетди. Оқибат фожиаи: Э. Хўжаев ва йўловчи Х. Мамаева ўша заҳоти жон бердилар, А. Эломонов ва Ш. Уриновалар шифохонага ётқизилди.

САДҚАИ МУАЛЛИМЛИК

КИТОБ районидаги Амин Умарий номли мактабнинг Б.Элмурод исмли муаллими ўз меҳмони — шу райондаги С. Диев номли мактаб ўқитувчиси Абдурашид Ерқуловни кайф устида пичоқлади. А. Ерқулов ўша заҳоти жон

берган. Қотиллик сабаблари район прокуратураси томонидан ўрганилмоқда.

ТУГУН ИЧИДА ТУГУНЧА

ТОШКЕНТ ёдгорлик буюмлари заводининг ишчиси Ю. Зухра 64/61-аҳлоқ тузатиш меҳнат колониясида жазо муддатини ўтаётган турмуш ўртоғига овқатли тугун билан бирга 52,05 грамм намага мансуб яшил талқонни ҳам бераётган чоғда колония ходимлари томонидан ушланди. Қарши шаҳар ички ишлар бўлими текширув ишларини олиб борапти.

ЎҒРИ ҚИЗЛАР

ШУНДАЙ. Қизлар орасида ҳам ўғриликнинг ҳадисини олганлар бор. Китоб шаҳрида яшовчи Б.Жамила ва Т. Шоира деган гўзал исмларнинг эгалари райондаги Бештерақ қишлоғилик Б.Холмуродовнинг уйдан 20 метр ҳар хил газлама материалларини ўғирлашган. Кўз ёшлар дарё, аммо бефойда.

БАРАКАСИЗ БАРАКА

БЕШ ПАНЖА бирваракайига тиқилса, оғиз албатта йиртилади. Ичдаги ташга отилиб, кўз косадан чиқиб кетади. Бекорга кексалар нафса афсунгарлар жодуси бор дейишмаганку.

Қарши шаҳар саноат савдосига қарашли 8-дўкон сотувчиси Н. Тўхтабоева харидор К. Ҳазраткуловга спорт камзули сотиб, ҳақидан 223 сўм (8 тийини ҳам бор) уриб қолди.

Шаҳрисабз райони матлубот жамиятига қарашли кўпмоли дўкон сотувчиси Б. Аҳмедов ҳам харидордан 29 сўм ортиқча "муллажиринг" ундирди. Аммо ҳар иккала сотувчининг ҳам "оғзи йиртилди".

Ўроз ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот шўъбаси
катта назоратчиси, ички хизмат катта
лейтенанти.

НУҚТАИ НАЗАР

"ЯНГИ ҚОНУН ФАҚАТ ХАЛҚ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШИ КЕРАК", — ДЕЙДИ НИШОН РАЙОНИ ПРОКУРОРИ, БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ҲУҚУҚШУНОС МУСА ШАРИПОВ.

Мухбир — Муса Ғозиевич, давлатимиз истиқлолга эришгач, қонуналаримиздаги "кемтик" жойлар кўриниб қолди. Сухбатимизни шу мавзудан бошласак.

Муса Шарипов — Фикрингизни тушундим. Давлатнинг сиёсати албатта қонуналар билан олиб борилади. Шунча йил яшаб, охири инқирозга юз тутган СССР қонунари ҳам ўз жамиятига, шу "буюк" давлатга хизмат қилиши учун ишлаб чиқилган. Замона зайли билан оғизда мустақил бўлса-да, аслида вассал ўлкага айланиб қолган республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам номигагина ўз қонунарига эга эди. Давлатимиз

унинг қонунари ҳамда шу қонунарни бевосита тўғри, оғишмай амалга оширишни таъминлайдиган, назорат қиладиган идоралари ҳам тўлатқис мустақил бўлмоғи керак.

"Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинмаслигига сабаб эса мингларча. Асосийлари ҳақида тўхталиб ўтай.

Қайта қуриш бошланиши билан тергов-суриштирув ишларининг жуда катта қисми собиқ Иттифок прокуратураси қўлига ўтиб қолди. Ана шу маҳкамадан Ўзбекистонга "ташриф буюрган" Г. Д. Л. Н. Иванов, Дидоренко кабилар ҳам қонунари, ҳам кадрларни, ҳам миллатни топташди.

аждоқларимиз қўллаган услуб ва йўллари ўрганилмиш. Ва, шундай ҳулосага келдимки, у қандай давлат бўлмасин, капиталистикми, социалистикми, буржуа, тоталитарми — яхши қонунаридан ўрнак олиб, давлатчилик ишларининг мақбул томонларини ўрганмоғимиз лозим. Аммо янги давлатимизнинг янги қонунари ўзига хос бўлишини хоҳлайман.

Энди қарияларнинг Сталин ҳақидаги гап-сўзларига келсак, ростданам Сталин мамлакатни қаттиққўллик билан ушлаб турган. Қонуний ҳукм қилинганлар сўзсиз отилган, осилган, сургун қилинган. Аммо қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг қирилиб

кетганлиги-чи? Бу Сталиннинг энг катта ҳатоси, жинояти ҳисобланади. Бизда эса сталинча қонуналар билан иш кўриш ярамайди. Ўзбекистон давлатининг шарқона, миллийлик руҳи уфуриб турган, одамлари манфаатини кўзлайдиган мустақил қонунари бўлади.

М. — Сухбатимиз асосида кўпроқ ҳуқуқий билимсизлик тилга олинди. Бу ишларни яхшилаш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

М. Ш. — 1948 йилда "Инсон ҳуқуқлари ҳақида" Декларация қабул қилинган. Собиқ СССР давлати ушбу одилона, инсонпарвар қонунни биринчи бўлиб тан олган. Аммо ана шу қонунга кўпматриба этилмади. Тушунишмича, Совет Иттифоқида атайлаб одамларга ҳуқуқий билимлар сингдирилмаган.

Хўш, шундай экан, 22 миллионли аҳолиси бўлган Ўзбекистонда нима ишлар қилиш керак бўлади? Ҳуқуқий билимлар ва маданиятни юксалтириш учун қандай вазифалар кўндаланг турибди?

Шу ўринда биргина мисол келтириб ўтмоқчиман. Болтиқбўйидаги Эстония давлатини ҳамма билади. Худди Тошкент вилоятининг майдонига тенг келади. Шу митти мамлакатни бутун дунё тан олди. Ҳозирги вақтда Эстонияда 16—17 та ҳуқуқни тарғиб қиладиган матбуот нашрлари чоп этилмоқда. Бизда-чи?

Минг афсуслар бўлсинки, юзлаб Оврупо маданиятини, бузуқлигини тарғиб қилувчи турли-туман рангли журналлар бор. Одамлар ҳам ана шу нашрларни сотиб олишди. "Эхо планеты", "Зарубежом", "Мода" каби журналларнинг ҳозирда ҳам бозори чаққон. Аммо ҳеч бўлмаганда 10 минг нусхада бўлсада, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилувчи алоҳида матбуот нашри йўқ. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг "Постда" рўзномаси ҳам узок танаффусдан сўнг 1991 йилдан чиқа бошлади. Аммо у ҳам оммавий эмас.

Шундай шароитда ҳуқуқий билимларни тақомилга етказиш тўғрисида гап-сўз бўлиши мумкинми?

Ўтган сессияда ноиблар прокуратура органи ва прокурорлар жойлардаги ҳокимларга буйсунсин, деган ғояни олға суришди. Назаримда улар давлат назорат органлари билан прокуратура ишини чалкаштириб юборишди. Ҳолбуки, прокурор сўзи лотинча бўлиб, "ҳуқуқнинг (манфаатининг) ҳимоя қиламан" деган маънони англатади. Прокуратура ҳокимлари маҳаллий ҳокимликдан мутлақо холи бўлиб, фақат юқори турадиган прокурорларга буйсунилари керак.

**Сухбатдош
Ж. ЯХШИБОВ.**

Мустақилликнинг асосий шарт

мустақил бўлгач, унинг ўз қонунари бўлиши, бу қонуналар миллий кадрларга, қадимий удуларга, яшаш тарзига мутаносиб равишда тайёрланиши ва қабул қилиниши зарурлиги яққол сезилиб қолди. Собиқ СССР (аслида Россия)ниқидан нусха кўчирилган Ўзбекистон қонунарининг кемтик жойлари ҳам чок-чокидан ситилиб кетди. Энди эса уларни қайта ўрганоқ, тўлдирмоқ, ишлаб чиқмоқ, маҳаллий шароитга мослаштирмоқ лозим. Унутмаслик керакки, қонун адолатсизликларни таг-томири билан қўтариб ташлашга ожиз экан, у ўз кучини, обрў-этиборини йўқота беради.

М. — Эшитишмича, АҚШ давлат маҳкамаси ҳисобланган Ок уй пештоқида "Қонун Ватандан ҳам, халқдан ҳам устундир" деб ёзиб қўйилган экан. Ана шу америкача шиорга Сиз қандай қарайсиз? Биз ҳам ҳуқуқий-демократик давлат тузиш жараёнида ана шу шиорга амал қилсак-чи?

М. Ш. — Бу шиорда кўтарилаган ғояга сира қўшилишмайман. Қонуналар адолатли бўлиб, у халққа, фақат халққа хизмат қилиши керак. У фақат халқ манфаатига буйсундирилмоғи шарт, одамларнинг беҳуда, асоссиз равишда кўз ешларини оқизмаслиги даркор. Демакки, ҳар бир мустақил давлат ўз қонунини ўзи яратмоғи лозим.

М. — Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, ўзининг бир қатор қонуналарини ишлаб чиқди ва ишлаб чиқмоқда. Ана шу қонуналардан бир нечаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси кун тартибига ҳам қўйилди. Аммо "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун биринчи ўқилишида тасдиқдан ўтмади, халқ муҳокамасига ташланиб, кейинги сессияда кўриб чиқилмади бўлди. Сизнингча, бунинг сабаби нима?

М. Ш. — 1991 йил 31 август куни жаҳоншумул воқеа юз берди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини расман эълон қилди. Мана, шунга ҳам бир йилдан ошяпти. 120 дан ортиқ нуфузли давлатлар Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида тан олди. Давлатлар аро алоқаларни мустақкам йўлга қўйиш учун эл-чихона ва ваколатхоналар очилмоқда. Буларнинг ҳаммасидан қувониш керак.

Аммо менга азоб берадигани шуки, давлат мустақил бўлгач,

Нега шундай бўлди? Очик айтидиган бўлсак, халқ бирлаша олмади. Агар одамларимиз ҳақ-ҳуққини танлаб, жипс ҳаракат қилиб, иттифок бўлишганида ва яна ўша пайтдаги катталаримиз ялтоқлик қилишмаганида, бу даражада катта йўқотишлар бўлмасди.

Болтиқбўйи республикалари эса ниҳоятда уюшган ҳолда ҳаракат қилишдики, ҳатто сиёсий талаблар билан чиққанда ҳам собиқ СССРнинг зўравонлари бирор-бир натижага эриша олмадилар.

Бизда "Бўлинганни бўри ер, айрилганни айик" деган мақол бор. Халқ ана шу нақлни бежизга яратмаганлигини яна бир бор кўрдик.

Энди эса гдиянчилар ҳатосини мустақил Ўзбекистон прокуратурасидан қидиришмоқда. Бу мантиқан нотўғри. "Прокуратура тўғрисида"ги қонун жуда муҳим бўлиб, уни қабул қилиш керак эди. Парламентда, ноиблар орасида кўпроқ ҳуқуқшунослар бўлиши шарт экан, деган ҳулосага келдим.

Авалло, биз ҳар томонлама ўқимишли, маданиятли, энг муҳими ўз ҳақ-ҳуқуқларини биладиган, қонуналарни тушунадиган фуқароларни тарбиялаб, вояга етказмоғимиз лозим. Мустақил давлатнинг биринчи галдаги иши ана шу мезон билан ўлчанмоғи шарт.

Очигини айтсам, илгари жойлардаги прокуратура ходимлари фаолиятига, олиб борган ишига СССР Бош прокурорининг буйруқлари қандай бажарилганлигига қараб баҳо бериларди. Ёки оддий қилиб айтганда, прокуратура ходимлари ўз ҳатти-ҳаракатларини 1979 йилда қабул қилинган "СССР Прокуратураси ҳақида"ги қонунга кўра бажаришарди.

СССР тарқаб кетгач, Ўзбекистон давлатининг ҳам "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни бўлишини давр тақозо этади. Менимча, бу борада сусткашликка чек қўйиш керак. Ушандагина мустақиллигимиз пойдеворлари мустақкам бўлади.

М. — Қонун устиворлиги кўпгина давлатларда раҳбарларнинг иш юритиш услубларида учрайди. Сир эмас, қариялар Сталин ва у юргизган сиёсатни ҳанузгача мақтаб гапиришади. Янги давлатнинг янги қонунари қандай бўлишини хоҳлайсиз?

М. Ш. — Биз эндигина мустақил бўлиб бош кўтараямиз, тарихимизни билиямиз, урф-одат, анъаналарига қайтаямиз. Авлод-

КЕЙИНГИ пайтларда ўғрилиқ, давлат мулкни талон-торож қилиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Бунинг асосий сабаби нимада? Иқтисодий тақчилликдами ёки молларнинг баҳоси қўтилмаган даражада ошиб бораётганидами? Эҳтимол

Сўраб-суриштиришлар натижасида улар қилмишларини тан олишди.

1971 йилда туғилган ва ҳеч қаерда ишламайдиган, Урганч шаҳри, Коммунистик кўчасида истиқомат қилувчи Исмомил Худойшукуров ва 1971 йилда туғилган Урганч ремонт заводида соловчи бўлиб ишловчи, Урганч шаҳрининг шу кўчасида яшовчи Даврон Хўжаевлар деҳқон бозори худудидаги чойхонадан бир неча жуфт оёқ кийими ўғирлаб қўлга тушдилар.

Урганч пойабзал фабрикасида ишловчи Иброҳим Бойжонов, Ойбек Урунов ва Мурод Абдуллаевларнинг қилмишлари ҳаммасидан ошиб тушди. Улар ўзлари меҳнат қиладиган корхонани тунамоқчи бўлишди. Тунги соат икки яримлар чамасида кўриқлаш бўлими ходимлари — милиция старшинаси Сафарбой Имомитдинов ва милиция сержанти Фарҳод Сафоевлар постда турган пайтида, фабрика омборидан ичи тўла тўрт қути ва тўрт қопни ўмариб бораётган уч нафар шахсни тўхтатишди. Аммо, ўғрилар анойилардан эмасди. Милиция ходимларига қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Эпчил йигитлар рўй бериши мумкин бўлган ноҳушликнинг олдини олишди. Аниқ чора-тадбирлар натижасида ўғрилар ушланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларни таҳлил қилар эканмиз, жиноятчиликнинг асл сабаби ишсизликда ёки иқтисодий тақчилликда дейиш қийин. Негаки жиноятларни мактаб болалари ҳам содир қилишмоқда. Масалан 1977 йилда туғилган Шокирни нима мажбур қилди бу ишга. Ҳали у мактаб ўқувчисику!

Давроннинг қўлида гулдек ҳунари бор. У заводда мотор созлайди. У ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, нопокликка қўл урган.

Пойабзал фабрикаси ишчиларини олинг. Улар ҳам ишли, топармон-тутармон одамлар.

Шундай ҳулосага келиш мумкин: ҳаммаси тарбияга боғлиқ. Тарбия мустақкам жойда жиноятчилик бўлмайди.

Ў. МАДАНБОВ,

Урганч шаҳар ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими рота командирси муовини, милиция катта лейтенанти.

Мен ўз дардимни айтдим

"ПОСТДА" саҳифаларида ҳозирги ички ишлар идоралари фаолиятидаги ўзгаришлар, раҳбарлик тизимидаги айрим номтақулчиликлар (кўпроқ чиққан бўлса, узр), айниқса, штатлар масаласидаги амалий иш билан банд ходимларнинг ташвишлари кенг еритилиб боришмоқда ва бундай руҳдаги мақолалар бизга анча маъқул тушади. Аммо ўзгаришлар кам. Муаммолар ҳамон ечимини қўтиб етибди. Устига устак замонанинг зайли билан янгиликлар чиқиб турибди. Худого шукр, мустақилликка эришдик, байрам ҳам қилдик. Юракда нима дард бўлса, бемалол дастурхон қилишни ҳам (айрим "нозикрок" акаларга екмаса ҳам) ўргандик. Шу нуқтан назардан келиб чиқиб, мен ўзим хизмат қиладиган ахлоқ тузатиш тизимидаги муаммоларнинг айримлари ҳақидаги фикрларимни ўртоқлашмоқчиман. (Ҳаммаси — бу жуда кўп, вақти келар, айтиб қолармиз).

Улардан бири — бизнинг тизимдаги раҳбарлик ва унга бириктирилган хизматларнинг номувофиқлиги. Масалан, мен тиббий бўлим бошлиғиман. Аммо бошлғимизнинг амалиёт ишлари бўйича муовинига бириктирилганман. Бирор камчилик юзасидан қозғоқ қилиб бошлиққа кирсам, қозғонинг бир чеккасига ўзим бириктирилган муовиннинг исми шарифини кўрсатиб, "Бартараф этилсин" деб ёзиб беради. Қарабсизки, ўз "шеф"имиз қақириб, кўтарган муаммоларимизни ўзимизга "бартараф" қилдиради. Ваҳоланки, ушбу муаммоларни елгиз ўзимнинг ечим имкониятим йўқлиги сабабли бошлиққа кирган эдим.

Еки яна бир масала. Мен қарийб 20 йилдан бери шу соҳанинг тузини тотиб келаман. Кейинги пайтларда ўғрилиқ деган савил бемаза қовунинг уруғидан ҳам кўпайиб кетди. Шунингдек, "қама-қама"лар ҳам. Арзийдими-арзиймайдами, қози "бобо"ларимиз "ха, бу — 125" деб, 3-4, гоҳо 5 йилгача аямай "бериб" туришибди.

Қайси бир кун муассасамизга ўғрилиқда айбланган уч нафар шахсни жўнатишди. Улар келишишган ҳолда бир бош бузқини

ўғирлашган экан. Ҳакам ёки қози ҳамфикрлари билан кенгашиб, бузқини 5 минг 38 сўмга баҳолашиб, уч ўғрига уч йилдан, жами тўққиз йил муддат билан биз томонларга йўллашган. Ўғрилиқда айбланганлардан бири П. Ғуруҳ ноғирони.

Энди масаланинг бу томонига эътибор беринг. Ҳозирги кимматчилик ахлоқ-тузатиш муассасаларини ҳам четлаб ўтмаган. Муассасада тарбияланаётганлар учун кийим-бош, иссиқ-овқат (уч маҳал) — бордини, шунинг ўзи, менинг ҳисобимга қараганда, давлатта бир йилда 18 минг сўмга тушар экан.

Ҳозирги кунда ўзини билган ҳар битта ташкилот ёки муассаса топан бир тийинини ўз ўрнида сарфлаш йўллари қидириб қолган. Ҳаммаси ҳисобли. Юқоридаги сингари ишлаш қобилияти бўлмаган (аммо ўғрилиқ қилиш қобилияти етарли) ноғиронлар эса, очик айтишим керак, бизнинг муассасамиз учун ҳам қони зарар. Ёки бу ўғрини қамоқ билан кўриқтишининг бир йўлими? Ундан кўра ўша ўғрини, хоҳ соғ бўлсин, хоҳ носоғ, эл ичида шармисор қилиб, ўзини яхшилаб ишлатиб (токи ҳаром терлари қичиб, бадини ҳам сал тозалансин), яна келтирган зарарини ҳам қоплатиб олса бўлмайдами? Албатта ахлоқ-тузатиш меҳнат колониясига жўнатиш шарт эмасдир. Ахир, жиноятчининг биттасини боқиб-кийинтиришга кетадиган ўша 18 минг сўм кимнинг пули? Ҳам ўғрилиқ қилсин, ҳам ишламасин, яна халқ уни боксин ҳамми? Мана сизга эски тузумнинг инсонпарвар қонунари шакию шамолдан бир парча.



Мустақил республиканинг озод фуқаролари бўйсуниб, уни ҳурмат қилиб яшайдиган, одилона яшашга мажбур этадиган қонунари қачон тайёрланади? Халқ тоқайгача кўча-кўйда юрак ва чўнтак ҳовучлаб юради, беш-олти мол-қўйилари нотинч ухлайди?

Муҳаммадсиддиқ

ГАНИЖОНОВ,

Поп районидаги 64/32 муассасасининг тиббий бўлими бошлиғи, ички хизмат майори.

ХИЗМАТЛАРДА



ҚОНУННИ ҲУРМАТ ҚИЛИНГ!

(суратли репортаж)

НИЯТ — яқинда қабул қилинган "Йўл ҳаракати қоидасини бузганлик учун жавобгарликни ошириш ҳақида"ги қонунга жойларда қандай амал қилинаётганини билиш эди.

Эрталаб соат 7.00 да Ҳазорасп райони ИИБ ДАН биноси ёнига вилоят ДАНБ ходимларининг тақсими бўлаётганда етиб бордим. Уни взвод командири милиция катта лейтенанти Сотиболди Иброҳимов ўтказаятган экан.

Тақсим тугагач, унга мақсадимни айтгандим. Рўзмат Хўжаев ва Эгамберди Эшматовлар билан биргаликда районнинг Энгельс кўчасига боришимни таклиф қилди. Айтилган жойга бордик. Бу кўча аслида бир томонли экан. Лекин уни бундай деб айтиш қийин. Чунки ҳар иккала томонга қараб ҳам уловлар гизиллаб қатнаб турибди. Қайси томонига қатновни таъқиқловчи белги қўйилганини англаш қийин. Унга парво қилмай келаётган уловларнинг изи кўринмайди.

Дан ходимлари уларни тўхтатиб, ҳужжатлаштира бошлашди. Маълум бўлишича, шофёрларнинг кўпчилиги

белги борлигини, шу томонга юриш мумкин эмаслигини била туриб, айланиб ўтишга эриниб, қондани бузаётган эканлар. Бундан ташқари белги остида келаётган ҳайдовчиларнинг аксариятида на ҳайдовчилик гувоҳномаси ва на уловнинг ҳужжатлари бор.

Айримлар ўзлари қондага амал қилмай келаётганлиги етмагандек ДАН ходимларининг талабларига бўйсунмай қочиб кетишди.

Тракторчи Қадам Аҳмедов қарама-қарши томондан келаётгани камлик қилгандай, икки кишини тракторининг кабинасига мингаштириб олган экан. Матчон Матекубов "06" сининг ойнасини керагидан ҳам ортиқроқ қорайтириб юргани учун тўхтатилди. Район кишлоқ хўжалик техникаси ташкилоти ҳайдовчиси С. Машариповга юк машинаси билан темир йўл переездида ениб турган қизил чироқни кўрмай, жиринглаб турган кўнгиракни эшитмай ўтиб кетмоқчи бўлгани учун чора кўрилди. Умуман, ўша кунни яна бир қанча қондабузарлар — шлёмсиз,

ҳужжатсиз мотоциклчилар, прицеппига одам ортган тракторчи, ДАН ходимининг талабига бўйсунмаган бир ҳайдовчи тўхтатилиб, сабоқ бўлсин учун қонунга мувофиқ жазоланди.

Бундан ташқари қондани бузиб келаётган оқ рангли "ЗАЗ-968" белгили Д 9995 ХЗ рақамли уловга дуч келдик. Мен билан бирга туришган назоратчилар ҳам яхши

ДАН

билар эканлар бу йигитни. "Илгари ҳам тўхтамай кетган эди, изидан уйига бориб қарасак, ногирон йигит экан, индамай қайтиб келдик. Машинасида белгиси бўлсаям майли эди" дейишди. Бу ногироннинг машинасида ҳеч қандай белги йўқ эди. Орқа давлат рақами ҳам олиб қўйилган экан.

Давлатимизнинг ногиронларга қилаётган ғамхўрлиги жуда катта. Улар ҳам шунга яраша қонун-қоидаларни ҳурмат қилсалар, жуда яхши бўлар эди.

Саъдулла БОБО.



СУРАТЛАРДА: тақсим; шлёмсиз мотоциклчилар; "Ёт, мелиса кўриб қолади"; "Белгини кўрмай қолишимизда, ака!"; "Қаранг-а, ҳужжатлар эски костюмда қолиб кетибди".

Муаллиф олган суратлар.



ЯНА АРОҚ САБАБ

ЎША КУНИ Суярбек Курбонوف шу кунга етказгани учун яратганга шукроналар ўқиб, тўй қилаётган, юртга ош-нон бераётганди. Дастурхон турли ноз-неъматлар билан тўла, ароқ деганининг таги сероб.

Шавкат Шерқўзиев ҳам атрофдагилар билан қадах уриштириш билан банд. Пиеладаги ичкиликни даст кўтариб сипқорадида, яхна гўштни афтини буриштириб чайнайди.

Кўп ўтмай боши айланиб, тили гўлдираб қолди. Секин-аста енида ўтирган Жалолиддиннинг гап-сўзлари гашини келтира бошлади. Ораларидан нима гап ўтгани бизга номаълум, аммо ҳар иккиси ҳам "гаплашиб" олиш учун ташқарига чиқишди. Кўчанинг нариги юзидаги пахта даласига ўтишди.

Бакириб-чакириб сўкишишлар зум ўтмай мушшлашишга айланди.

Рақиби бакувватроқ эканми, ҳарқалай Жалолиддин Қосимов мушт зарбидан юзтубан йиқилди. Ҳаракат қилдию, аммо туришга улгурмади. Бошига тош тегиб, бир неча муддат ҳушидан айрилди. Шавкат эса уни еқасидан бўғиб, тобора ичкарига судрай бошлади. Хатто кўп ўтмай Жалолиддиннинг нафаси қисилиб ўлиб қолганини ҳам сезмади. Кейин уни афққа думалатиб юбордида, яна тўйхонага равона бўлди...

Воқеа жойига етиб келган милиция ходимларининг боши қотди. Жасад ташлаб кетилган жойдаги оёқ изларидан ўзга ҳеч нарса тополмадилар. Аммо улар англашдики,

қотилликнинг илдизи тўйхонада. Гарчи ўзбекчиликка тўғри келмасада; кириб боришди, бошқа илож йўқ эди. Зимдан ҳамон зиёфатни давом эттираётган маҳмонларнинг оёқ кийимларини кузатишди. Қотил пахта даласидаги кўлмак сувларни кечиб ўтган бўлиши аниқ. Қолаверса, улар ички ишлар ходимларини кўриб, ўзини йўқотиб қўйганларни ҳам эътибордан четда қолдиришмади.

Аммо қутилмаган муаммо чиқиб қолди. Тўй эгаси табиатан гўнг бўлгани учун гумондорларнинг аксарияти ҳам қар-соқовлар эди. Ярим кечада Хўжаободдаги махсус мактаб ўқитувчиларини бевозта қилишдан ўзга чора топишолмади. Уларнинг ердاملари туфайли қотил Шавкат

ЖИНОЯТ-ҚИДИРУВ

Шерқўзиев эканлиги ошкор бўлдики, буни унинг ўзи ҳам бўйнига олди.

Шундай қилиб, Хўжаобод райони ички ишлар бўлими ходимлари машъум қотилликни ўша кунгек очишга муваффақ бўлдилар.

Келинг, энди қиссадан ҳисса чиқаришга ҳаракат қилиб кўрайлик. Ўша кунни Шавкат ва Жалолиддинлар "сен-мен"га бормасликлари мумкин-ми? Албатта мумкин эди. Ароқ деган захри қотил меъери билан истеъмол қилинганда, уларнинг орасидан ола мушқ ўтмаган, бири қотил номини олмаган, иккинчисининг эса умри хазон бўлмаган бўларди.

Шу ўринда бир ривоят едимга тушди: шайтони ланин бир йигитнинг олдига ароқ, пичоқ ва қизни қўйиб, дебди:

"Агар хоҳласанг, шулардан бирини танлашинг мумкин. Аммо оғоҳлантириб қўяйки, ароқни танласанг — имондан кечасан, пичоқни танласанг — жиноятчиға айланасан, қизни танласанг — гуноҳи азимга ботасан".

Йигит ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келибди. Пичоқни олиб, қотилга айланишни, қизга тегиб гуноҳга ботишни истамабди. Ароқни ичиб ҳузур қилишни ихтиёр этибди.

Кайфи ошгач, қиз кўзига жуда ҳам суҳсурдек кўринибди ва унга яқинлашишдан ўзини тиелмабди. Кайфи таркагач эса қилмишдан изтиробга тушиб, бояги пичоқни ўзининг кўксига санчибди.

Хулоса шуки, мастлик жиноятга элтувчи илк қадамдир. Сийқаси чиққан гап бўлсада, буни яна бир бор такрорлашга эҳтиёж сездик.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

ТИББИЁТ

Шифокор

САЙДАЛИ ака Ҳамрокулов, мана, 13 йилдан буён Жиззах вилояти ички ишлар бoshқармасининг поликлиникасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ички хизмат лейтенантидан полковнигигача бўлган оғир ва сермашаққат йўл бугунги кунда ортда қолди. Ҳозирда ушбу поликлиниканинг бошлиғи.

Биз биламизки, шифокорларнинг аксарияти хасталарни кўравериб дийдаси қотиб кетади. Сайдали ака эса бундайлардан эмас, ҳар бир беморни ўз оғасидек қабул қилади ва дардига малҳам қўйишда бор билим, тажрибасини аямайди. Ўз навбатида беморлар ҳам уни ҳурмат қилишади.

Бир сўз билан айтганда, Сайдали ака меҳрибон шифокор ва фидойи раҳбар. у киши ҳозирги поликлиника биносини тиббий шароитларга мослаштириб олгунча қанча елиб-югурмади дейсиз. Шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ ҳозирги кунда бу ерда замонавий техника асбоб-анжомлари билан жиҳозланган тиш даволаш, кўз касалликлари, жарроҳлик бўлинмалари, лаборатория ишлаб турибди.

— Сарсонгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида ходимларимизни тиббий кўрикдан ўтказиш учун жойларга ўзимиз борамиз, — дейди Сайдали ака. — Керак бўлган пайтларда уларга соғлигини тиклаб олиш учун даволаш муассасаларига йўлланмалар берамиз. Бунинг учун ҳар йили 170 га яқин йўлланма ажратамиз.

Маълумки, ички ишлар ходимлари учун соғлиқ асосий мезонлардан бири. Ва бугунги жиноятчилик билан курашнинг бориши, ундаги ютуқларда Сайдали акага ўхшаган шифокорларнинг ҳам сезиларли ҳиссалари бор. Шунингдек, милиция чекадиган жабр-ситамлардан улар "бебаҳра" эмаслар. Сайдали ака яқиндагина бўлиб ўтган бир фожиани тез-тез эслайди. Ўшанда ярим кечаси уни ширин уйқудан уйғотишди. Расулжон исмли милиционерни постида пичоқлаб кетишган экан. Узоқ давом этган жарроҳлик билан ҳам 21 ёшли навқирон йигитнинг ҳаётини сақлаб қолиб бўлмади. У етти жойидан жуда оғир яраланган эди.

Осонми? Жон таслим қилаётган йигитнинг олдида ожизликни ҳис қилиб туриш... Ҳали ҳеч нарсани англамайдиган гўдакнинг ўлаётган отасига талпинишларини кўриб, ёрдам беролмасанг... Ҳа, ҳаётнинг изми бизга бўйсунмайди. Бу воқеа жарроҳнинг қалбида чуқур из қолдирди.

Сайдали аканинг хизматлари ўз баҳосини топган. Республика соғлиқни сақлаш ва милиция аълочиси. Бир қанча медаллар соҳиби.


Биз эса ўз навбатида бу билимдон шифокорнинг хайрли ишига омад тилаймиз.

Холикул ҚАЙНАРОВ.

БОШҚОТИРМА

Хурматли рўзномасевар!

Эътиборингизга навбатдаги бошқотирмави ҳавола қилмоқчимиз. Ушбу бошқотирма орқали жуғрофий жой номларини қанчалик би-лишингизни қисман бўлсада, синаб кўришингиз мумкин.



Берилган тўртбурчак шаклнинг тўққизта қаторига қуйида маънолари ифода этилган номларни топиб, рақамли хоналардан бошлаб бирма-бир ёзиб чиқинг. Кейин эса шаклнинг диагоналидаги қора чизиқ билан белгилаб қўйилган хоналар йўналишига эътибор беринг. Агар жавобларингиз тўғри бўлса, ана шу диагональ бўйича сиз қадимий ва навқирон шаҳар номини ўқийсиз.

1. Марказий Америкадаги давлат.
2. Венгриядаги шаҳар.
3. Канададаги Онтарио кўли бўйида жойлашган шаҳар.
4. Испаниянинг жанубидаги вилоят.
5. Помирдаги шимолий Аличур тизмаси.
6. Зарафшон этаклари билан Амударё оралиғи, Қизилқумнинг жанубий қисми.
7. Ҳиндистоннинг Анихра-Прадеш штатидаги шаҳар.
8. Испаниядаги Каталония вилоятининг бош шаҳри.
9. 1925 йилгача Царицин деб номланган шаҳар.

Тузувчи: Йўлдош НАСРИДДИНОВ,
милиция подполковниги.

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Собиқ ҳамкасбимиз, истеъфодаги милиция майори Мамаражаб Асқаров 52 ёшда хасталик туфайли оламдан ўтди. Бу хабарни эшитиб, бизнинг - у кишининг дўсту шогирдлари қалби беадад андух билан тўлди.

Фарғона районидаги Дамкўл қишлоғида туғилган М. Асқаров ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, 1965 йилда ички ишлар соҳасига ишга кирди. Оз эмас, кўп эмас - 26 йил давомида Давлат автомобил нazorатида турли масъул лавозимларда билим ва маҳоратини синаб кўрди. Оддий йўл-патруль хизмати назоратчилигидан Қувасой шаҳар ИИБ ДАН бўлинмаси бошлиғи лавозимигача бўлган сермашаққат йўлни босиб ўтди. Дастлаб унвони ми-лиция сержанти эди, истеъфода мили-ция майори бўлиб чиқди.

Энг муҳими Мамаражаб ака ўнлаб шогирдлар етиштирдик, аини пайтда улар вилоятимизнинг турли районларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Дўстимиз, устозимиз, доно маслаҳатгўйимиз бўлган Мамаражаб аканинг порлоқ хотираси олдида доимо таъзимдамиз.

Фарғона вилояти ИИБ ДАНБ жамоаси.



СУРАТЛИ ХАБАР

Тошкентнинг айтарли қоқ марказида шаҳар ички ишлар бошқармасининг жанговар ва жисмоний тайёргарлик маркази биноси қад кўтармоқда. Юзакироқ қараганда оддийгина «ўрт қаватли маъмурий бинони эслатувчи бу ишоотда ички ишлар ходимларининг ҳар тарафлама чи-ниқлишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилади.

Унинг биринчи қаватида жисмоний чиниқиш учун имкониятлар яратилади, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қаватлардаги аудиториялар ҳамда махсус синфхоналарда эса замонавий видео ҳамда аудитехника воситалари ўрнатилади.

Айни пайтда бу ерда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Сурат муаллифи Х. ШОДИЕВ.



Айни пайтдаги жиноятчилик оламию унга қарши кураш, оёйишталик посбонларининг ютуқ ҳамда камчиликлари, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги энг янги маълумотлар билан мунтазам танишиб боришни хоҳлайсизми?

Эҳтимол детектив асарлардан намуналар ўқимоқчи, фан, маданият ва санъатда кўзга кўринган иқтидорли кишилар билан учрашмоқчидирсиз?

Балки корхона, ташилот, муассасангиз имкони-ятлари-ю хизматларидан бошқаларни огоҳ этишни истарсиз?

МАРҲАМАТ,

«Постда»
«На посту»

газеталари эҳтиёжингизни қондиришда Сизга энг яқин кўмакчи бўлади.

Бу нашрларга келгуси йил учун обуна баҳоси — 312 сўм.

Индекслари — 64615 ва 64616.

ЭЪЛОН

1989 йилда Тошкент шаҳар, Ҳамза районидаги 204-ўрта мактаб томонидан Каримжонов Ботир Акрамович номига берилган Д №790768 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

САФЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ!

Республикаимизда жамоат тартибини муҳофаза қилаётган милиция ходимлари фаолиятининг асосий мазмуни нафақат жиноятларни очиш, балки уларнинг олдини олишдан ҳам иборатдир. Аввало милиция ходимлари халқ фарзандларидир ва айнан шу халққа хизмат қилишга масъулдирлар. Зеро, бу кўпинча ўзгаларни ҳайратга солидиган қаҳрамонликлар кўрсатишни тақозо этади. Айрим ҳолларда эса ҳақиқат учун, адолат учун ширин жондан кечишга ҳам тўғри келади.

Жасоратга тайёр туриш деган тушунча бор, бу инсон бутун ҳаёти давомида турли синовларга тайёрланиб келди, ҳал қилувчи дақиқада эса унинг ҳатти-ҳаракатини ўзи муқаддас билган маънавий жиҳатлар белгилаб беради демакдир.

“Одавий эрсанг демагин одами, Оники йўқ халқ гамидан гами,” деб ёзган эди улуг мутуфаккир Алишер Навоий.

Бизнинг тинч меҳнат қилишимизни, ҳамда о с о й и ш т а л и г и м и з н и кўриқлашдан шарафлироқ иш йўқ. Ана шу шарафли ишни бурч деб билганлар шаҳримиз ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари орасида кўпчиликни ташкил этади.

Агар улар сафарларини тўлдиришни истасангиз, марҳамат, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ички ишлар бошқармаси 18-39 ёшда бўлган, Тошкент шаҳрида турар-жойи ва пропискисига эга фуқароларни ички ишлар идораларида доимий ишлашга **ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

Олий юридик, педогогик ва техник (алоқа) маълумотга эга бўлганлар ўрта раҳбарлар таркиби лавозимларида, умумий ўрта, ўрта махсус, ўрта техник (алоқа) маълумотлилар оддий ва кичик раҳбарлар таркиби лавозимларида ишлашлари мумкин.

Оддий ва кичик раҳбарлар таркибида хизмат қилувчиларнинг маошлари ички ишлар идораларида ишлаган муддатга боғлиқ бўлади ва биринчи йили 4315 сўмни ташкил этади.

Бу кишилар узок муддат хизмат қилсалар, бир вақтнинг ўзида ўқитиш билан бирга офицерлик лавозимига кўтарилишлари мум-кин, сўнгра уларнинг маошлари шунга мувофиқ ошаверади.

Ўрта раҳбарлар таркиби

ходимлари (офицерлар)га хизмат қилган йилларига қараб устама ҳақ тўланади. У лавозим маоши ҳамда махсус унвонига боғлиқ бўлади. Бундай ходимларнинг ўртача иш ҳақи дастлабки йилда 5100 сўмни ташкил қилади. Унвон ва лавозим ошиб боргани сари иш ҳақи ҳам кўпаяверади.

Ходимлар жонбоши солигидан озод қилинадилар. Уларнинг ҳаммасига ҳар йили 30 кунлик меҳнат таътили, шунингдек Ўзбекистоннинг истаган жойига хоҳ поездда бўлсин, хоҳ самолётда — бепул бориб келиш имтиёзи яратилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ санаторий ва дам олиш уйларида эга бўлиб, милиция ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари бу

ерларда имтиёзли равишда дам олишлари мумкин.

ИИБ идораларига хизматга қабул қилинган, лекин тегишли маълумоти бўлмаганларга Тошкентдаги олий ва ўрта махсус милиция мактабларида, шу-нингдек бошқа олий ўқув юртларида керакли малака олишлари учун (кундузи ёки сиртдан) имконият яратилади.

Ички ишлар идораларида 20 йил хизмат қилган оддий ва раҳбарлар таркиби ходимлари хизмат қилган йиллари учун нафақа олиш ҳуқуқига ҳам эга бўладилар.

Бу борада ўзингизни қизиқтирган ҳар қандай саволлар билан ИИБнинг кадрлар бўлимига ёки район ички ишлар бўлимининг кадрлар гуруҳига мурожаат қилишингиз мумкин.

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мум-кин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
Кўлёмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмаҳонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-26-56, муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир ўринбосари
Раҳмонали ҚОСИМОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.